сиғимли ва қулай, қисқаси, унда унинг деярли барча элементлари функционал жиҳатдан ўйлаб қурилган. Сумканинг муҳокамаси бошланади, бунда суҳбатдошлар, аввало, ўзининг қойил қолганлигини айтадилар, кейин эса уни такомиллаштириш тўғрисида ўз фикрларини айтадилар. Бунинг устига ўз фикрини айтишлар тез равишда, худди коптокни бир-бирига оширишдек бажарилади. Гапираётганнинг сўзини ҳеч ким билмайди. Суҳбатни олиб боришда суҳбатдошларнинг юзлари жиддий кўринишда бўлади.

Буни фойдасиз ақл ўйини, импровизациявий машқ қилиш деб номласа бўлади.

Бундай оддий тажриба талабаларни аҳил ижодий жамоада қизиқарли ғояларнинг келиб чиқиши мумкинлигига ишонтиради.

Талабалар ўзининг етарли даражадаги чуқур бадиий – конструкторлик билимлар ва бадиий-конструкторлик маҳоратларини намоён этишлари, бадиий конструкциялаш масалаларини дадил-ижодий, индивидуал ва жамоавий тарзда ҳал қилишлари, дизайнерлик ижодининг бадиий конструкциялаш концепциясига эга бўлишлари, маъно–мазмуний юки, композициявий текислиги, чизиқларининг гўзаллиги, ёрқин образлилиги ва ифодали эстетикаси билан ажралиб турган тўлақонли, индивидул-оригинал дизайнерлик маҳсулотларини яратишларига эришишлари зарур.

Тасвирий санъат бўлғуси ўқитувчилар, қайси мазмун, қайси шакл, қайси методлар, усуллар, услублар ва воситалар билан мактаб ўқувчиларида бадиий-конструкциялашга бўлган қизиқиш ва қобилиятни шакллантиришни билишлари ва ўз бадиий-конструкторлик билимлар ва бадиий-конструкторлик маҳоратни бўлғуси педагогик фаолиятга қаратишлари муҳим.

Адабиётлар

1. Дудецкий А.Я. Теоретические вопросы изображения и творчества. –Смоленск: 1984.
2. Радчук Л.И. Основы художественного конструирования: Учебное пособие для вузов. -М.: «Легпромбытиздат», 1989.
3. Родари Дж. Грамматика фантазии. Введение в искусство придумывания историй: Пер, с итальянского. -М.: “Прогресс”, 1988.
4. Джонс Дж.К. Методы проектирования. Пер.с англ. 2-ое изд., доп. - М.: «Мир», 1988 М.: «Мир», 1988.
5. Эстетика. Словарь. - М.: Издат.политлит. 1989. -С. 446.
6. Хасанов Р.Х. Эстетическое воспитание учащихся средствами искусства. – Тошкент: 1989.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада бўлажак тасвирий санъат ўқувчиларининг бадиий-конструкторлик маҳорати ва кўникмаларини аудиториядан ташқари машғулотларда ривожлантириш масалалари кўриб ўтилган.

РЕЗЮМЕ

В статье внимание акцентируется на развитии способностей и навыков художественного конструирования у студентов во время внеаудиторных занятий.

SUMMARY

In the article the attention is focused on the development of abilities and skills of art designing of students during out-of-class lessons.

«ОЛИЙ НЕРВ ФАОЛИЯТИ ВА УНИНГ ЁШГА ОИД ХУСУСИЯТЛАРИ» МОДУЛИНИ ЎҚИТИШДА «БИРГАЛИКДА ЎҚИЙМИЗ» МЕТОДИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Г.Палўанова–*катта ўқитувчи*
Д.Марасулова –*талаба*
Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти

Таянч сўзлар: нерв системаси, рефлекс, темперамент, динамик стереотип, невроз, дистрез, стресс.
Ключевые слова: нервная система, рефлекс, темперамент, динамик стереотип, невроз, дистресс, стресс.
Key words:nervous system, reflex, temperament, dynamic stereotype, neurosis, distress, stress.

Таълим-тарбия жараёнида ўқитувчилар томонидан интерфаол методларни ўринли, мақсадли, самарали қўлланилиши талабаларда мулоқотга киришувчанлик, жамоавий фаолият юритиш, мантиқий фикрлаш, мавжуд ғояларни синтезлаш, таҳлил қилиш, турли қарашлар орасидаги мантиқий боғлиқликни топа олиш қобилиятларини тарбиялаш учун кенг имконият яратади. Шу сабабли олий таълим тизимида интерфаол методларни қўллаш муаммоларини ўрганиш назарий ва амалий аҳамият касб этади.

Хамкорликда ўқитишнинг «Биргаликда ўқиймиз» методи 1987 йили Миннесота университети профессорлари Д.Жонсонва Р.Жонсонлар томонидан ишлаб чиқилган. Талабалар 5 кишидан иборат кичик гурухларга ажратилади. Хар бир гуруҳ дарсда бажарилиши лозим бўлган топшириқнинг маълум қисмини бажаради. Гуруҳлар топшириқларни тўлиқ бажариши натижасида ўқув материалининг яхлит ўзлаштирилишига эришилади. Мазкур методнинг асосий принциплари-командани такдирлаш, талабаларга индивидуал ёндашиш, муваффаиятларга эришиш учун бир хил имконятларни вужудга келтириш саналади.

Дарснинг мавзуси:Олий нерв фаолияти ва унинг ёшга оид хусусиятлари.

Дарснинг таълимий мақсади: Талабаларни Олий нерв фаолияти ва унинг ёшга оид хусусиятларининг ўзига хос жихатлари ва ахамияти билан таништириш.

Дарснинг тарбиявий мақсади: организмга ташқи мухитнинг таъсири, зарарли одатлар, уларнинг зарарли оқибатларининг олдини олиш, нутқ ва мулоқот маданиятини шакллантириш.

Дарснинг ривожлантириш мақсади: Олий нерв фаолияти ҳақидаги билимлари, мавзуси устида мустақил ишлаш кўникмаларини ривожлантириш.

Дарсни жиҳозлаш: муляжлар, проекцион материаллар, тарқатма материаллар, мультимедиа.

Дарсда фойдаланадиган технология: Хамкорликда ўқитиш технологияси.

Дарснинг бориши:

I.Ташкилий қисм

II.Талабаларни дарс мавзуси, мақсади, бориши билан таништириш ва уларнинг фаолиятини ўқув топшириқларини бажаришга йўллаш.

III.Янги мавзуни ўрганиш

а) кичик гурухлар томонидан белгиланган ўқув топшириқларининг сифатли бажарилишига эришиш

Мазкур мавзу матни қуйидаги мантиқий тугалланган фикрли қисмларга ажратилади.

1. Олий нерв фаолияти физиологияси мақсади, вазифаси, ривожланиш тарихи ва ўрганиш методлари.
2. Рефлекслар ва уларнинг хосил бўлиши механизмлари, шарт -шароитлари
3. Олий нерв фаолиятининг нейродинамик типлари
4. Олий нерв фаолиятининг психик хусусиятлари
5. Асаб бузилиши ва унинг олдини олиш, кун тартиби ва унга риоя қилишнинг аҳамияти.

Рефлекс - ташқи ва ички мухит таъсуротларига организмнинг жавоб қайтариш реакцияси. Рефлекс терминини физиология фанига чех олими Прохаски киритган.

Шартсиз рефлекслар туғмадир, унинг ҳосил бўлишида орқа, ўзунчоқ, ўрта, оралиқ миядаги нерв марказлари иштирок этади. Овқатни чайнаш, эмиш, ютиш, хазм қилиш, сийдик ажратиш, нафас олиш, кон айланиши ва бошқаларшартсиз рефлекслар бўлиб, одам ҳаёти давомида ўзгармайди, наслдан - наслга ўтади.

Шартли рефлекслар одам ҳаёти давомида ҳосил бўлиб, унинг маркази бош мия катта ярим шарлари пўслоғида жойлашган. Шартли рефлексларнинг нерв йўллари тарбия, билим олиш, хунар ўрганиш ва бошқа ҳаётий тажрибалар асосида ҳосил бўлади. Муайян рефлекс ўзоқ вақт такрорланмаса бу шартли рефлекс сўнади.

Олий нерв фаолияти бош мия ярим шарлари ва уларнинг пўслоғида жойлашган нерв марказларининг нормал функциясига ёки улардаги қўзғалиш ва тормозланиш жараёнларининг кучига, тарқалиш тезлигига ҳамда уларнинг бир-бирига муносабатига боғлиқ.

Миянинг нерв ҳужайраларидаги қўзғалиш ва тормозланиш жараёнларининг кучига, тарқалиш тезлигига ва уларнинг бир - бирига муносабатига кўра одам олий нерв фаолиятини 4 типга бўлинади.

Кучли, қўзғолувчан, мувозанатлашмаган, жонсарак тип. Бу типда қўзғалиш ватормозланиш кучли, аммо мувозанатлашмаган, қўзғалиш тормозланишдан устун туради.

Бу типга кирувчи болаларда шартли рефлекслар секин пайдо бўлади, ўрта ўзлаштиради, бирор ишга тез киришиб, тез совийди, эмоционалреакциялари кучли, билар – билмасжавоб бериб ўз фикрини мақуллайдиган,топшириқларни ўз вақтида бажариб келмайдиган, секин пайдо бўлган шартли рефлекслар тез сўнади, мактаб ҳаётига қийинчилик билан кўникади, нутқи тезва кўпол, характериўзгарувчан, ўз хиссиётларини қийинчилик билан ушлайдиган, қизиққон, агрессив, тарбияга қийинчилик билан берилувчи, фақат тарбия асосидагина узоқ ва тизимли иш фаолиятига эга бўлади.

Кучли, қўзғалувчан, мувозанатлашган, серҳаракат тип. Бутипнерв процессларикучли, қўзғолишва тормозланиш мувозанатлашган вахаракатчан.

Бу типга кирувчи болаларда шартли рефлекслар тез ҳосил бўлиб, тез сўнади ва тез тикланади, мактаб ҳаётига тез кўникади, ўқиш ва ёзишни тез ўрганади, улар намунали хулққа эга бўлади, дарсларни аъло ўзлаштиради, уйга берилган вазифаларни ўз вақтида бажариб келишга ҳаракат қилади, нутқи тез ва равон, сўз бойлиги кўп, айтилган сўзларни тез илғаб олади, жонли, ҳаракатлари тез, турли имо - ишоралар билан ўз фикрини ифода клладиа ва бошқа ижобий характерлар билан ажралиб туради.

Кучли, қўзғалувчан, мувозанатлашган, кам ҳаракат тип. Бу типда қўзғолиш ватормозланиш кучли, аммо уларнинг ўрин алмашинуви суст.

Бу типга кирувчи болаларда шартли рефлекслар секин ҳосил бўлади, тез сўнади ва секин тикланади, улар ўқиш, ёзиш ва гапиришни тез ўрганадилар, хулқлари яхши, одобли, нутқлари секин ва равон бўлади.

Нимжон ёкисуст тип. Бу типда нервпроцесслари суст, кам қўзғалувчан ва мувозанатлашмаган, яъни тормозланиш жараёни юқори.

Бу типга кирувчи болаларнинг иш қобилияти паст, нутқи секин, яхши ривожланмаган, сўз бойлиги кам, кийинчиликлардан қўрқади, тез чарчайди, ўқиш, ёзишни секин ўрганади, мактаб ҳаётига қийинчилик билан кўникади, ўз ўртоғининг характерига ихтиёрсиз мослашади, ўзлаштириш паст, характери беқарор мақсадсиз, диққати беқарорлиги билан характерланади.

Шу қисмлар бўйича талабаларнинг мустақил иш топшириқлари тузилади:

1-гурух учун ўқув топшириқлари

№	Талабалар ўзлаштиришлари лозим бўлган материаллар юзасидан Ўқувтопшириқлари	Топшириқларни бажариш юзасидан кўрсатмалар
1 2	Олий нерв фаолияти ва қуйи нерв фаолияти ҳақида тушунча; Олий нерв фаолиятининг ўрганиш усуллари.	Берилган матнни ўқиб, қуйидаги саволларга жавоб топинг ва топшириқларни бажаринг

2-гурух учун ўқув топшириқлари

№	Талабалар ўзлаштиришлари лозим бўлган материаллар юзасидан Ўқувтоп-шириқлари	Топшириқларни бажариш юзасидан кўрсатмалар
1 2 3	Шартсиз рефлекслар ва шартли рефлекслар; Шартли рефлексларнинг хосил бўлиш механизмлари; Шартли рефлексларнинг тормозланиши.	Берилган матнни ўқиб, қуйидаги саволларга жавоб топинг ва топшириқларни бажаринг

3-гурух учун ўқув топшириқлари

№	Талабалар ўзлаштиришлари лозим бўлган материаллар юзасидан Ўқувтопшириқлари	Топшириқларни бажариш юзасидан кўрсатмалар
1 2 3	Болалар олий нерв фаолияти типларининг таснифи; Сангвиник,Флегматик; Холерик, Меланхолик Бадиий тип, фикрловчи тип, ўртача тип.	Берилган матнни ўқиб, қуйидаги саволларга жавоб топинг ва топшириқларни бажаринг

4-гурух учун ўқув топшириқлари

№	Талабалар ўзлаштиришлари лозим бўлган материаллар юзасидан Ўқувтопшириқлари	Топшириқларни бажариш юзасидан кўрсатмалар
1 2 3	Динамик стереотип, нутқ функцияси; Хотира ва унинг турлари; Эхтиёж ва майл истаклар.	Берилган матнни ўқиб, қуйидаги саволларга жавоб топинг ва топшириқларни бажаринг

5-гурух учун ўқув топшириқлари

№	Талабалар ўзлаштиришлари лозим бўлган материаллар юзасидан Ўқув топшириқлари	Топшириқларни бажариш юзасидан кўрсатмалар
1 2 3	Уйқу ва туш кўриш; Стресс, дисстрес ва чарчаш; Болаларда невроз (асабийлик) ҳолати ва унинг олдини олиш.	Берилган матнни ўқиб, қуйидаги саволларга жавоб топинг ва топшириқларни бажаринг

б) кичик гуруҳлар ёрдамидаўқув материалларининг яхлит ҳолда қайта ишлаб чикишларини амалга ошириш.

V. Янги мавзу юзасидан талабалар ўртасида савол-жавоб, ўқув баҳси уюштириш

VI. Талабалар билимини тест топшириқлари ёрдамида назорат қилиш ва баҳолаш

VII. Янги мавзуни қайта ишлаш ва якунлаш.

VIII. Уйга вазифа бериш

Ҳамкорликда ўқитиш орқали талабалар ўқув топшириқларини биргаликда ўқишни ўрганадилар. Бу технология ҳар бир талабанинг тахсил олишдаги муваффақияти гурух муваффақиятига олиб келишини англаган холда мунтазам ва сидқидилдан ақлий меҳнат қилишга, ўқув топшириқларини сифатли бажаришга, ўқув материалини пухта ўзлаштиришга, ўртоқларига ҳамкор бўлиб, ўзаро ёрдам уюштиришга замин тайёрлайди. Шунингдек, гуруҳлар топшириқларни тўлиқ бажариши натижасида ўқув материалининг яхлит ўзлаштирилишига ва мавзуни гурухларга бўлиш орқали деярли барча талабаларни дарсга жалб этилганлигини, билиш ва ижодий изланишлари орқали ўқув топшириқларидан кўзланган мақсадларга эришишди, деб хулосаланди.

Семинар мавзусини ташкил этишда педагогик технологиялардан, график органайзерлардан ва кейс-стади усулларидан фойдаланиш орқали талабаларда ўзлаштирилган билимларни амалий қўллаш кўникмаларини шакллантиришга, аниқ вазиятларни тахлил қилиш, фаразларини илгари суриш, аввал ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларини янги вазиятларда қўллаб, янги билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш, ўз фикрларини баён этишларига эришилди. Шу билан бирга талабаларда касбий фаолиятда учрайдиган масаланинг ечимини излаш ва топа олиш, жамоада ишлаш, бўлажак касбининг нозик томонларни ўрганишга имконият яратган бўламиз.

Тажрибамиз шуни кўрсатдики, маъруза ва амалий машғулотлар жараёнида педагогик технологиялардан тўғри фойдаланиш таълим самарадорлигини оширади, талабанинг бўлажак касбига бўлган қизиқишини оширади ва мустақил ишлашга ундайди.

Адабиётлар

1. Олий таълим. Меъёрий-ҳуқуқий ва услубий ҳужжатлар тўплами. -Т.:“Истиқлол”, 2004.
2. Топилдиев В.Р. Таълим ва тарбия жараёнларини ташқил этишнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари. -Т.: 2015. 164-б.
3. Клемешева Л.С., Алматов К.Т., Матчанова А.Т. Возрастная физиология. - Ташкент: 2002.
4. Содиқов Б.А., Кучкарова Л.С. ва бошқалар. Болалар ва ўсмирлар физиологияси ва гигиенаси. –Тошкент: Ўзбекистон давлат энциклопедияси давлат илмий нашриёти. –Тошкент: 2005. 234-б.
5. Иргашев М.С., Клемешева Л.С. Ёшга оид физиология.-Тошкент: 1991.
6. Маркосян А.А. Вопросы возрастной физиологии. - М.: «Просвещение»,1974.
7. Толипова Ж. “Биологияни ўқитишда педагогик технологиялардан фойдаланиш”. -Тошкент: 2011.
8. ТолиповЎ.Ў., Ўсмонбоева М. “Педагогик технология: назария ва амалиёт” Ўз.РФА нашриёти.
9. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технологиялар и педагогик маҳорат. -Т.: ТДПУ, “Низомий”, 2003.

РЕЗЮМЕ

Ҳамкорликда ўқитиш орқали талабалар ўқув топшириқларини биргаликда ўқишни ўрганадилар. Бу технология талабаларни ижодий изланишларга ундайди. Топшириқларни тўлиқ бажариши натижасида ўқув материалининг яхлит ўзлаштирилишига ва кўзланган мақсадларга эришиш учун харакат қилади. Шу билан бирга талабаларда масаланинг ечимини топа олиш, жамоада ишлаш имкониятини яратган бўламиз.

РЕЗЮМЕ

С помощью совместного обучения студенты приобретают навыки совместно выполнять учебные задания. Эта технология обучает креативному поиску. В результате полного выполнения заданий они стремятся к цельному усвоению учебного материала и достижению поставленных целей. Вместе с тем,студентам создаются условия для совместного решения задач и работы с коллективом.

SUMMARY

Through collaborative learning, students learn do read together the task. This technology encourages students to pursue creative research. Carrying out tasks completely they try to achieve the goal of integrating the learning material and achieving the intended goals.At the same time, students are able to find a solution to the problem and to work in the team.

ЖАСЫ ҮЛКЕН – ТӘРБИЯШЫ ҲӘМ ТӘРБИЯ ҚУРАЛЫ СЫПАТЫНДА

А.К.Пазылов –*педагогика илимлериниң кандидаты, доцент*

Әжинияз атындағы Нөкис мәмлекетлик педагогикалық институты

Таянч сўзлар: кекса инсонлар, хурмат, иззат, маросимлар, бошқариш, ўзаро хурмат, тарбиячи, тарбия воситаси, куда, кудача.

Ключевые слова: старейшина, уважение, почёт, свадьбы и другие мероприятия, руководить, почтение, воспитатель, средство воспитания, сват, сватья.

Key words: elder, respect, honor, weddings and parties, to lead, reverence, educator, a means of upbringing, matchmater, father-in-law daughterin-in-law.

Халқымыз әзелден жасы үлкенди сыйлап, олардың ҳүрметин, иззетин орнына қойыўды әдетке, өзлериниң салт-дәстүрине айландырған халық. Олар өз балаларына тәрбия бериў ислеринде де, оларды жасы үлкенлерди сыйлаўға үйретип барады. Жасы үлкенлердиң аз да болса көзге көринерлик ибратлы ислери болса, өз балаларын сол жасы үлкеннен өрнек алыўға шақырады.

Өз нәўбетинде, жасы үлкенлерде өзлериниң атына ылайықлы түрде, әтирапындағыларға ҳәм жасларға ибрат болыўға ҳәрекет жасайды. Буның ушын қолда бар мүмкиншиликлердиң барлығынан пайдаланады. Биз, жасы үлкенлик ҳәм жасы үлкенди сыйлаў мәселесине байланыслы «Еркин Қарақалпақстан» газетасының 2015-жыл 12-февральдағы санында «Жасы үлкенлерди сыйлаў ўақтыншалық мапаз емес», усы газетаның 1989-жыл 3-июндағы санында «Жасы үлкен усындай бола ма?» атлы мақалаларымызды турмыстан алынған мысалларымызға тийкарланып жазған едик. Арадан бир қанша жыллардың өтиўине қарамастан жасы үлкенлик ҳәм оларды сыйлаў мәселесине еле де болса итибарымызды күшейтиўдиң зәрүрлиги сезилип турғандай түйилди.

Әлбетте, жасы үлкен ҳәмме жерде керек. Жасы үлкенниң үйде де, жәмийетлик орынларда да жаслардың кеңесгөйи, ибрат аларлық тулғасы дәрежесинде болыўы – жасларымыздың еликлеўине мүмкиншилик туўдырады. Еликлеў арқалы бала өз әтирапындағылар менен қарым-қатнас жасаў барысында үлгили ислери менен көзге түседи. Еликлеў – бала минез-қулқын жақсылаў ислерине де унамлы тәсир жасайды.

Жасы үлкен тойларға шақырылады. Олардың орны төрде болады. Жасы үлкенлер той-мерекелерди басқарады. Той-мерекелердиң тәртипли, ысырапгершиликсиз өткерилиўине жасы үлкенлерде жуўапкер саналады.